

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2023 йил май ойининг 17 кuni жиноят ишлари буйича Учкўрғон туман судининг очик суд мажлиси уз биносида бўлиб, райслик қилувчи З.Расулов, А.Абдусаломовнинг котиблигида тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси З.Тожибаев, судланувчи К.Л.В, жабрланувчи Д.Юлдашевларнинг иштирокида, Каримов Косимжон Кодиржановичга нисбатан бўлган 1-1609-2301/35-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Судланувчи **Каримов Косимжон Кодиржанович (Karimov Kosimjon Kodirjanovich)** – 1982 йил 17 апрель кuni Наманган вилояти, Учкўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, мавсумий ишчи, мукаддам:

1) жиноят ишлари буйича Учкўрғон туман судининг 2003 йил 8 октябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари буйича Учкўрғон туман судининг 2011 йил 7 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини кўллаб 4.973.500 сўм жарима жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари буйича Учкўрғон туман судининг 2011 йил 28 июндаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 45,60,61-моддалари тартибида 2 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4.973.500 сўм жарима жазоси ва иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари буйича Уйчи туман судининг 2021 йил 1 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,в” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Учкўрғон туман ИИБ ХПБнинг 17.05.2023 йилдаги маълумотномасига кўра жазо ижро учун келиб тушмагани кўрсатилган, Учкўрғон тумани, Фарғона маҳалласи, Янгиҳаёт кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, дастлабки тергов органи томонидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 24 апрель кuni олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбланган.

Суд, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб ва муҳокама қилиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини,

шунингдек тарафларнинг музокара сўзлари ҳамда судланувчининг химоя ва охириги сўзларини эшитиб, куйидагиларни

Protected by PDF Anti-Copy Free
А Н И Қ Л А Д И :
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Судланувчи К.Каримов 2023 йил 07 апрель куни соат тахминан 14:00 да Учқўрғон тумани, Фарғона маҳалласида жойлашган Д.Юлдашевга тегишли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган савдо дўконига кириб, Д.Юлдашев билан ўзаро гап тортди, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан фуқароларнинг тинчлигини бузиб, савдо дўконининг ташқи томонидан туриб тош бўлақларини савдо дўконига ҳамда Д.Юлдашевга қарата отиб, унга тан жароҳати ҳамда савдо дўконига моддий зарар етказган.

Норин туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлимининг 10.04.2023 йилдаги 455/142-сонли хулосасида Д.Юлдашевнинг олган жароҳатлари чап кулоқ супраси шилинмаси, чап кўлтиқ ости соҳаси қонталашни кўринишида бўлиб, оғирлик даражасига кўра соғлигини бузилишига сабабчи бўлмаган енгил тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи Д.Юлдашевга тегишли бўлган савдо дўконига етказилган зарар тўлиқ қопланган.

Судланувчи К.Каримов суд мажлисида айбига тўла иқдорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўла тасдиқлашини, Учқўрғон тумани, Фарғона маҳалласи худудида жойлашган “Дикси” номли савдо дўконига фаолият олиб боришини, ўзидан сал нарироқдаги Д.Юлдашевни ҳам озиқ-овқат дўкони борлигини, Д.Юлдашев таъминотчига ўзига берилаётган қаймоқ маҳсулотини бошқа савдо дўконларга бермасликни, агарда берадиган бўлса ундан қайтиб маҳсулот олмаслигини, олдинги насияга олган қаймоқларининг пулини ҳам бермаслигини айтиб юрганини эшитиб, 2023 йил 07 апрель куни савдо дўконининг олдида жабрланувчи Д.Юлдашевнинг жияни, дўконда савдо қилувчи З.Зокиржоновни кўриб қолиб, ундан “Нега қаймоқ сотувчисини бизга қарши қайраб юрибсизлар” - деганида З.Зокиржонов тоғаси Д.Юлдашевга телефон орқали хабар бергани, орадан бироз ўтиб Д.Юлдашев келиб гап тортишгани, улар ўз савдо дўконига кетгач ортидан борганида Д.Юлдашев билан яна ўзаро гап тортишиб, уришиб Д.Юлдашевнинг кўлидаги пичоқни кўриб, жаҳл устида дўконига қарата тош отиб, дўкон ойналарини синдиргани ва Д.Юлдашев тан жароҳати олгани, кўп нарсани эслай олмаслигини, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олгани, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, ундан кечирим сўрагани, дўконга етказилган зарарни укаси қоплаганини инobatга олиб қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи К.Каримовнинг айби ўзининг тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида муҳокама қилиш чоғида текширилиб, мақбул деб эътироф этилган куйидаги далиллар билан, яъни:

жабрланувчи Д.Юлдашевнинг суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўла тасдиқлашини, Учқўрғон тумани, Фарғона маҳалласи худудида жойлашган ЯТТ “Юлдашев Даврон”га қарашли озиқ-овқат дўконини юритиб келишини, 2023 йил 07 апрель куни соат тахминан 14:00 да жияни З.Зокиржонов кўнғироқ қилиб “мени Қосим ака “Дикси” савдо дўкони олдида

ушлаб олиб кўйиб юбормаяпти, бизни савдо дўконимизга келадиган қаймоқ қуюқ экан” - деб айтгани сабабли у ерга борганида К.Каримов жияни З.Зокиржоновни ёқасидан ушлаб турганини кўргани, уларни ажратиб олаётганида К.Каримов турли хил уятли сўзлар билан сўкиниб, бақир-чақир қилгани, дўконига қайтиб кетганидан бироздан сўнг ортидан К.Каримов келиб, яна уришиб, тош бўлақларини олиб савдо дўконига қарата ота бошлагани, тош бўлақлари ўзига, дўкон ойнасига маҳсулотларига шикаст етказгани, сўнг уни кетказиб юбориш мақсадида қўл қўриқ олиб чиққани, лекин ўлдириш билан кўрkitмагани, ИИБ ходимлари билан бир берганидан сўнг улар келиб воқеа жойини кўздан кечиришгани, дўконига етказилган зарар К.Каримовнинг оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплаб берилгани, соғлиги яхши эканлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, енгиллик берилишига қарши эмаслигини билдириб берган кўрсатуви билан;

гувоҳ З.Зокиржоновнинг суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўла тасдиқлашини, Учқўрғон тумани, Фарғона маҳалласи ҳудудида жойлашган ЯТТ “Юлдашев Даврон”га тегишли озиқ-овқат дўконига тоғаси билан сотувчилик қилишини, 2023 йил 07 апрель куни савдо дўконидан чиқиб, йўлда Қ.Каримовга тегишли бўлган новвойхонанинг олдида ўтиб кетаётган вақтида Қ.Каримов ушлаб олиб “қаймоқчидан қаймоқ олсанг қаймоқчини ҳам сени ҳам тинч кўймайман” - деб куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилгани, уни тинчлантирмоқчи бўлса-да қўлидан тортгани, сўнг тоғаси Д.Юлдашевга қўнғироқ қилиб чақиргани, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг тоғаси келиб К.Каримовни қўлидан чиқариб олиб, савдо дўконига жўнатиб, ортидан ўзи ҳам келгани, дўконда турган вақтларида К.Каримов ўзининг автомашинасида келиб, дўконга кириб яна жанжаллашиб, турли хил уятли сўзлар билан сўкингани, ташқарига чиқариб юборишганида қўлига тош бўлагини олиб савдо дўконининг ойналарини синдириб, маҳсулотларга шикаст етказгани, ИИБ ходимларига хабар берганларидан сўнг улар келиб ҳолатни кўриб тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришгани, жанжалда ўзи тан жароҳати олмаганлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

гувоҳ Р.Абдурахмановнинг суд мажлисида Учқўрғон туман ИИБ ТБ катта терговчиси лавозимида ишлаб келадигани, мазкур иш бўйича тарафларга бирор адовати ва яқинлиги йўқлигини, чақирувга асосан Учқўрғон тумани, Фарғона маҳалласи ҳудудида жойлашган ЯТТ “Юлдашев Даврон”га тегишли озиқ-овқат дўконига боргани, дўкон ойналари синган, ичидаги маҳсулотлар тош келиб урилиши натижасида бетартиб бўлиб, зарар етгани, Д.Юлдашев тан жароҳати олгани аниқлангани, дўконни кўздан кечириш жараёнида дўкон ичидан ва ташқарисидан бир неча тош бўлақларини тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб ашёвий далил тариқасида олгани, ҳолат юзасидан суриштирув олиб борганида мазкур жиноятни К.Каримов содир этгани аниқланганини билдириб берган кўрсатуви билан;

шунингдек, жиноят ишидаги билдирги (и.в. 4), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва фото иловалар (и.в. 5-11), суд тиббий экспертиза хулосаси (и.в. 14-15), нарса ва буюмни олиш, кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фото илова (и.в. 42-44), юзлаштириш баённомалари (и.в. 88-95), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор (и.в. 111-112),

тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи К.Каримовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган. Чунки, у жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, совуқ қурол ёки кишининг соғлигига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарса, яъни тош бўлагини қўллаб, Д.Юлдашевни уриб енгил танга ва етказиб, ҳамда унга тегишли бўлган савдо дўконига моддий зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин.” - деб;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” - деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак...” – деб тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, К.Каримовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, жабрланувчига етказилган зарар тўла қопланганлигини, уни даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари қасдан жиноят содир этгани учун судланиб, қасдан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, уни шахсини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини, жиноят сабабли келиб чиққан оқибатларни инobatга олиб, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 60-моддасига асосан, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 01.12.2021 йилдаги ҳукми билан тайинланиб ўталмаган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси

тайинлаб, қўлланилган муносиб эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд, жиноят гуфайли, етказилган моддий ва маънавий зарарларни муҳокама қилиб, жабрланувчи Д.Юлдашевнинг даъвоси йўқлигини инобатга олишни; **Protected by PDF Anti-Copy Free**
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

жабрланувчига мазкур жиноят иши юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай моддий ҳамда маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, фуқаролик суд ишларини юритиш тартиб-рожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни;

ашёвий далил сифатида олинган уч дона тош бўлагини белгиланган тартибда йўқ қилишни;

ишга илова қилинган процессуал ҳаракатлар акс эттирилган бир дона дискни жиноят ишида сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи **Каримов Косимжон Кодиржанович (Karimov Kosimjon Kodirjanovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

К.Каримовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2021 йил 1 декабрдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиб, узил-кесил ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 2 (икки) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазоларни ижроси судланувчи К.Каримовни яшаш жойидаги туман (шаҳар) ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач К.Каримовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Д.Юлдашевнинг даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчига мазкур жиноят иши юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай моддий ҳамда маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, фуқаролик

суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил сифатида оlingан уч дона дош бўлаги белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ишга илова қилинган процессуал ҳаракатлар акс эттирилган бир дона диск жиноят ишида сақлансин.

Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар, жабрланувчилар ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ҳар кунда сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиши ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

З.Расулов

**Нусхаси аслига тўғри
Туман суди раиси:**

З.Расулов